

ЎЗ ЕРИНГДАН, ТОМОРҚАНГДАН ФОЙДАЛАНСАНГ, КАМБАҒАЛЛИК КЎРМАЙСАН

3-с.

Тўғри йўл кўрсатилса, ёшлар тўғри иш қилади

Таҳлилларга кўра, ҳозирда маҳалла ёшлари кўпроқ замонавий касбларга қизиқади.



4-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 ЙИЛ
9 НОЯБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№71
(2209)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Шаҳду шиддати бор, кўзи ёниб турган ёшлар келажакни белгилайди

“Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида ўтказилган хатловда 163 нафар хориждаги ёшлар баланси тузилиб, улар билан доимий мулоқот ўрнатилди. 250 нафар йигит-қиз “Ёшлар дафтари”га киритилиб, шу кунга қадар 143 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, уларга касб-ҳунар ўргатилди, имтиёзли кредит, ер майдони ва субсидия ажратилди.

4-с.

“Қизил” ва “сариқ” “яшил”га ўтса, мақсад ва манзилга етамиз

Бугунги кунда тумандаги маҳаллаларнинг 33 таси жиноятдан холи ҳудуд – “яшил” тоифада. 8 таси “сариқ” тоифада бўлса, 2 таси “қизил” тоифада. Мақсадимиз – “сариқ” ва “қизил” тоифадагиларни “яшил” тоифага ўтказишдир. Жиноятчиликни жиловлаш мақсадида “маҳалла еттилиги” аъзолари, Миллий гвардия ва профилактика инспекторларидан иборат патруллик гуруҳлари ташкил этилган.

6-с.

Фақат моддий ёрдам бериш билан муаммолар ҳал бўлмайди

Инсонга кўрсатилган меҳр ва эътибор ҳеч қачон бесамар кетмайди. Шу аёл мисолида бунга яққол гувоҳ бўлиш мумкин. Аввалига одамови, бирор юмуш қилишга қизиқиши бўлмаган фуқаро энди олдига мақсад қўйиб, ҳаракат қилишни бошлади.

7-с.

Ҳар бир хато, бу – ... илмсизликдан!

Аввалари “Қиз бола ўқиб олим бўлармиди”, деган нотўғри тушунча билан яшаганларнинг кўпчилиги эндиликда олий маълумот эгаллашнинг аҳамияти ҳақидаги фикрини ўзгартирган. Зеро, турмушнинг турли синовларини енгиб ўтиш, атрофдагилар билан чиройли муомалада бўлиш, инсонлар қадр-қимматини англаб етиш учун ҳам билим олиш ниҳоятда муҳим.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

УЮШМА КУНДАЛИГИ


Президент топшириқлари ижроси таҳлил қилинди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида Вазирлар Маҳкамаси, Республика “Нуроний” жамғармаси ва масъул вазирлик ҳамда идоралар, ҳудудий ҳокимликлар вакиллари иштирокида видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда давлатимиз раҳбари жорий йил 11 сентябрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида камбағалликни қисқартириш, камбағал оилалар билан ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш борасида белгиланган аниқ вазифалар ижроси таҳлил қилинди.

Камбағалликни қисқартириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимоя, фуқароларга ўз қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашиш бўйича яратилган имкониятлар ва келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди.





ДАРОМАДНИ ОШИРИШ, БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА «САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ» АСҚОТЯПТИ

3-саҳифада.

МАНЗАРА

МАҲАЛЛА – ЖАМИЯТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

“Mahalla” газетаси орқали бошқа ҳудудлардаги рафиқларнинг, маҳалла ходимларининг фикрларини, таклиф ва муаммоларини ўқиб бораман.

Аксарият масалалар барча маҳаллаларга дахлдор, уларнинг ечими тизимни янада самарали қилади. Шу боис кўпгина намунали тажрибаларни ўзимизда татбиқ этишга ҳаракат қиламан.

Биргина оилавий ажралишлар мавзусини олинг. Ҳар қандай оила маҳаллада яшайди. Унинг муаммосини ҳаммадан бурун қўни-қўшни, яъни маҳалла аҳли яхши билади. Йиғинда кўпни кўрган мўътабар нуронийларимиз, оқила ва меҳрибон оналаримиз бор. Низоли ёки ажралиш ёқасидаги оилалар билан ишлашда айнан уларнинг насиҳатларига таянамиз. Керак бўлса, ҳар икки томоннинг катталарини ўртага оламиз, шукрки, натижалар самарали бўляпти.



Давоми 2-саҳифада.

УЧ ЙИЛЛИК АКЦИЯ: МИЛЛИОНЛАБ ОИЛАЛАРНИНГ ХАВОТИРИ ҲАЛОВАТГА АЙЛАНАДИ

ЖАРАЁН

2024 йил 6 августда “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган эди. Миллионлаб ўзбекистонликни қамраб олиб, уч йил давом этадиган “акция”да 8 тоифадаги объектга инсон омили ва қоғозбозликларсиз кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилади. Айтиш керакки, қонун 8 ноябрдан кучга кирди ва 2028 йил 1 январга қадар амал қилади.

Давоми 2-саҳифада.



ДИҚҚАТ!

ОБУНА — 2025

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий нашри — «Mahalla» газетаси ҳамда «маҳалла еттилиги» вакиллари учун ўзига хос қўлланмага айланиб улгурган «Mahalla ko‘zgusi» журналига 2025 йил учун обуна бўлинг!

“MAHALLA” ГАЗЕТАСИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 148

“MAHALLA KO‘ZGUSI” ЖУРНАЛИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 862

Мурожаат учун телефонлар:
+998 71 233 39 89, +998 71 233 10 92

ШОШИЛИНГ!
Маҳаллани «Mahalla»сиз тасаввур этиш қийин...



Президентга мактабларда ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ сифатини ошириш масалалари бўйича ахборот берилди.



Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш юзасидан ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ ўтказилди.



“Ўқ отиш спорт турларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“Еттилик” фаолияти танқидий кўриб чиқилди

Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов Қумқўрғон туманида “маҳалла еттилиги” ва уларнинг вилоят, туман ташкилотлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказди.



Унда мутасаддилар маҳаллаларда “еттилик” фаолиятини самарали ташкил этиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, келгуси режалар юзасидан ахборот берди. Ўрганишлар давомида “еттилик” ишини сифатли йўлга қўйишда айрим камчиликларга йўл қўйилгани, аҳоли билан ишлашда аъзоларнинг иш фаолияти қониқарсизлиги қайд этилди.

Вилоят раҳбари бу ҳолатларни бартараф этиш, “маҳалла еттилиги”нинг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг фаолиятини сифатли ташкил этишга ҳар бир тизимнинг вилоят ва туман раҳбарлари масъул эканини таъкидлади.

Хоразмлик раислар малака оширяпти

Хоразм вилоятидаги маҳалла раислари малака ошириш курсларида қатнашяпти.



Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини малакасини ошириш бўйича ўқув курсида ташкил этилган машғулотлар 36 соатга мўлжалланган. Ўқув дастури тингловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳадаги билимларини ошириш, миллий қадриятларни мустаҳкамлаш ҳамда шахсий ва касбий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган.

Машғулотларни тажрибали мутахассислар ҳамда профессор-ўқитувчилар олиб бормоқда. Якунда иштирокчиларнинг янги олган билимлари имтиҳон-суҳбат орқали баҳоланади.

МАНЗАРА

МАҲАЛЛА – ЖАМИЯТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ҳамза МАЪМУРОВ,
Бухоро туманидаги “Қавола Маҳмуд” маҳалласи раиси.

Одатда, оиланинг дастлабки беш йили мураккаб кечади. Чунки икки ёш бир-бирига, айниқса, келин янги муҳитга кўникиши керак. Ана шу даврдан сабр-тоқат билан ўтиб олган оила мустаҳкамланиб бораверади. Маҳалла айнан шу пайтда ёрдамга келиши лозим. Бу жараёнда, айниқса, хотин-қизлар фаоли ташаббусни қўлга олади. Янги келинларга сирдош, дугонага айланиб, рўзғорга кўникишига кўмаклашади, қайнона-келин ўртасида кўприк бўлади.

Ҳаётда яна шундай масалалар борки, уларни маҳалласиз ҳал этиб бўлмайди. Жумладан, ҳозирда умуммиллий ҳаракатга айланган камбағалликни қисқартириш масаласини ҳам.

Камбағалга балиқ берган яхшими ёки унга балиқ тутишни ўргатган? Бу — халқ орасида машҳур бўлиб кетган анъанавий савол. Албатта, иккинчиси — яхши. Чунки берган балиғингиз билан бир кун унинг қорни тўяди, холос. Балиқ тутишни ўрганса, у ҳар куни ўз қорнини ўзи тўйғазади. Айни нақлни эслашимизга сабаб шуки, ҳозирда “маҳалла еттилиги”га оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳолини касб-ҳунар ўрганишга йўналтириш, тадбиркорликни бошламоқчи бўлганларга имтиёзли кредит ва субсидия ажратиш ваколати берилган. Бу масалага виждонан ёндашсак, ҳар бир оилани ўзимизники каби кўрсак, маҳаллаларда камбағал оила қолмайди.

Йиғинда **“Камбағалликдан фаровонлик сари”** дастури асосида 94 нафар киши ўз томорқасида оилавий деҳқончилигини бошлади. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури орқали 37 нафар фуқарога қиймати 811 миллион сўмга тенг бўлган кредит ажратилиб, уларга доимий даромад манбаи ҳозирланди. Бундан ташқари, оилавий аҳволи оғир саналган 20 та хонадон аъзоларига субсидия асосида зарур меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналар олиб берилди.

Бугун маҳалла тизимидан ислоҳотларнинг марказида бўлиш талаб этиляпти. Йиғиндаги ҳақиқий манзарани — кимнинг нимага муҳтожлиги, ким қандай кўмак олганию қайси масалалар одамларни кўпроқ қийнаётгани, оилалардаги муҳитни “маҳалла еттилиги” яхши билиши керак. Шундагина ҳеч бир инсон эътибордан четда қолиб кетмайди. Аҳолининг “еттилик”ка ишончи ортади, улар маҳаллани ўзларига суянч сифатида кўра бошлайди. Аслида, “маҳалла еттилиги”нинг асосий вазифаси ҳам шу.

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистонда нечта туризм қишлоғи бор?

Сурхондарё вилоятининг Бойсун ва Денов туманларида жойлашган иккита қишлоққа туризм мақоми берилди.

С.ИБРОҲИМОВ.

Бойсун тумани “Инкобод” маҳалласидаги Омонхона қишлоғи тоғли ҳудудда жойлашган бўлиб, вилоят марказидан 158 километр, туман марказидан 16 километр узоқликда. Унинг атрофи бир-бири билан елка тирашган тоғлар, қир-адирликлар билан ўралган. Табиати сўлим, тоғдан эсиб турадиган шабада киши қалбига ором бахш этади. Қишлоқда неча асрлик тарихга эга шифобахш сув — Омонхона булоғи бор. Шунингдек, бу ерда Ҳазрат Султон Вали Балогардон, Хожа Сиддиқ саҳоба, Хожаи Вақтдон, Қамари Азиз номли зиёратгоҳлар мавжуд.

Яқинда Бойсунда ташкил этилган анъанавий “Олма сайли” фестивали доирасида Омонхона туризм қишлоғининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

Денов туманидаги Сина қишлоғига ҳам “Туризм қишлоғи” мақоми берилди. Унинг доирасида миллий таомлар сайли бўлиб ўтди. Бу сайл вилоятнинг ўзига хос таомлари кўргазмаси сифатида ўтказилиши анъана тусини олган.

Синада миллий таомлар сайлининг ташкил этилиши бежиз эмас. Бу қишлоқ азалдан пазандалик санъати билан машҳур бўлиб, мамлакатимизда кенг танилган. Тадбир ҳудуднинг туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш, миллий урф-одат ва анъаналарни меҳмонларга кенг намойиш этиш ҳамда Сина қишлоғини туристларнинг севимли масканларидан бирига айлантириш мақсадини кўзлаган.

Тадбир иштирокчилари тоғлар қўйнидаги Сина, Ушор, Сунбула каби қишлоқлар аҳолисининг ҳаёти билан



танишди. Сирли балиқ кўли, мафтункор “Сунбулаи зор” табиат мўъжизаси, Қиз қўрғон археологик ёдгорлиги, Хўжаи Ҳисор зиёратгоҳи каби сайёҳлик масканлари, оилавий меҳмон уйлари, ҳудуднинг миллий ҳунармандчилиги ҳақида маълумотларга эга бўлди.

> ***Маълумот учун:***
> *туризм қишлоқлари (маҳаллалари) барпо этилишида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги тегишли қарори билан 16 та талаб белгиланган. Хусусан, фуқаролар йиғини ҳудудида хорижий ва маҳаллий сайёҳларни қабул қилиш учун камида 20 та оилавий меҳмон уйи бўлиши керак. Ҳудудда меҳмонларга камида 5 та сифатли туристик хизмат (турар жой ва (ёки) овқатланиш хизматларидан ташқари) тақдим этилиши зарур. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарилаётган эсдалик совғалари маҳсулотлари (камида битта савдо нуқтаси) сотиш шохобчалари ташкил этилиши лозим.*

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ***бугунги кунда Ўзбекистонда нечта туризм қишлоғи (маҳалласи) бор?***

Туризм қўмитаси матбуот хизматининг маълум қилишича, республика бўйлаб Жиззах вилоятида **Дуоба**, Навоий вилоятида **Сентоб**, Қашқадарё вилоятида **Мираки**, Самарқандда **Конигил**, **Боғибаланд**, **Терсак**, Сурхондарё вилоятида **Сангардак**, **Сина**, **Омонхона**, Тошкент вилоятида **Овжазсой**, **Эртошсой**, **Чашма**, **Кумушкон**, Наманган вилоятида **Нанай**, **Чодак** туризм қишлоқлари каби жами 15 та туризм кишлоғи (маҳалласи) ташкил этилган.

Жорий йил якунига қадар Навоий вилоятининг **Лангар** ва Андижон вилоятининг **Имом ота** қишлоқлари ҳам туризм қишлоғига айлантирилиши режалаштирилган. 2025 йилда 6 та шундай манзилларни ташкил этиш белгиланган. Булар — Бухоро вилоятида **Ширин**, **Қўрғон**, Фарғона вилоятида **М.Топволдиев**, Андижон вилоятида **Ширмонбулоқ**, Жиззах вилоятида **Новқа**, **Узунбулоқ** туризм қишлоқ-маҳаллаларидир.

ЖАРАЁН

УЧ ЙИЛЛИК АКЦИЯ:

Миллионлаб оилаларнинг хавотири ҳаловатга айланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Санжар ИСМАТОВ.

3,6 МИЛЛИОНТА ЕРНИНГ ҲУЖЖАТИ ЙЎҚ...

Дастлабки ўрганишларга кўра, ҳозирда ҳуқуқий ҳужжатлари йўқ ёки тўлиқ бўлмаган **3 миллион 600 мингдан ортиқ** ер участкалари мавжуд. 2018 йилда ўтказилган бир марталик умумдавлат акцияси доирасида 621 минг нафардан ортиқ фуқаронинг ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларига кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилган эди. Бироқ бу имкониятдан ҳамма ҳам фойдалана олмади.

Таҳлилларга кўра, уй-жой учун зарур ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги аҳолида бошқа ижтимоий масалалар, жумладан, яшаб турган жойга рўйхатга қўйиш, мулк ҳуқуқига эга бўлиш ва уни амалга ошириш имконияти йўқлиги каби муаммоларни келтириб чиқарди. Шу боис Президент имзолаган юқоридаги қонун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришга улгурмаган фуқароларга яна бир имконият бўлди.

Қонун талаблари **8 та тоифа**даги объектга нисбатан қўлланилади. Ҳуқуқларни эътироф этишнинг асосий шартлари ҳам аниқ белгиланган. Масалан, ер бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши, ер бўйича низо бўлмаслиги, бош режа талабларига зид эмаслиги ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

БИР МАРТАЛИК ТЎЛОВ МИҚДОРИ ҚАНЧА?

Тураржойлар, хусусийлаштирилган ёки мулк ҳуқуқи эътироф этилган бино ва иншоотлар остидаги ер участкаларига ҳуқуқларни эътироф этиш учун бир марталик тўлов олинади.

Бу тўлов Тошкент шаҳрида — **БҲМнинг 5 баравари,** Нукус шаҳри ва вилоят марказларида — **БҲМнинг 3 баравари,** шаҳарларда — **БҲМнинг 2 баравари** ва бошқа аҳоли пунктларида — **БҲМнинг 1 баравари**ни ташкил этади. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган ва ногиронлиги бўлган шахсларга чегирма берилади.

ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?

Ҳеч қаерга мурожаат этишлари шарт эмас. Қонунга мувофиқ, ваколатли ташкилотлардан тузилган ишчи гуруҳлар тасдиқланган режа-жадвал асосида ҳар бир ҳудудда хатлов ишларини амалга ошириши белгиланган.

Мазкур режа-жадвални 2024-2025 йиллар учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг таклифига кўра, Кадастр агентлиги тасдиқлади. Унга кўра, 2024 йилда республикамизнинг **901 та,** 2025 йилда **2 минг 980 та** маҳаллани қамраб олиш режалаштирилган.




Ушбу режа-жадвал Кадастр агентлигининг “kadastr.uz” сайтида эълон қилинди. Фойдаланувчилар ўзларига керакли бўлган маҳаллани топишлари учун 3 та ҳаракатни амалга оширади:

1-ҳудудни танлаш,
2-туман ёки шаҳарни танлаш,
3-қидирув тугмасини босиш.

Шу орқали танланган манзилдаги маҳаллалар жадвали келиб чиқади. Агарда рўйхатдан сизнинг маҳаллангиз номи чиқмаса, хавотирга тушманг. Демак, сизнинг маҳаллангиз 2025 йилдан кейинги босқичда хатловдан ўтказилади. 2026 йил режа-жадвали 2025 йил якунига қадар эълон қилинади.

Агар 3 миллион 600 мингдан ортиқ ер участкасининг ҳар бири ўртача 3-4 нафардан фуқаро ва тадбиркорларга дахлдор бўлса, бу қонун 10 миллиондан зиёд аҳолининг муаммосини ҳал қилиб, келгуси ҳаётига қонуний замин яратади. Яъни уларда ўз уй-жойини қонуний расмийлаштириб олиш, бошқа шахсга сотиш, оила аъзоларини доимий рўйхатга қўйиш ҳуқуқи пайдо бўлди. Мулкдорлар энди бу уйини таъмирлаш учун имтиёзли кредитлар олиши, уй-жой жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиладиган ҳолларда, қонунга мувофиқ, компенсация талаб қилиши мумкин. Имкониятдан фойдаланиб қолинг, азиз маҳалладош!



“СУВ СПОРТИ турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.



11-16 ноябрь кунлари мамлакатимиз бўйлаб “БАҒРИКЕНГЛИК ҲАФТАЛИГИ” ўтказилади.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ бўйича 55 нафар раҳбар ва ходим “ISO 37001:2016” сертификатини қўлга киритди.

ДАРОМАД МАНБАИ

Ўз еringдан, томорқангдан фойдалансанг, камбағаллик кўрмайсан

Арнасойликларнинг асосий даромад манбаи томорқачиликдан бўлгани туфайли туман аҳли бу ишнинг яхшигина ҳадисини олган. Йиғинларда “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етиштирилиб, ҳар йили мўмай даромад олинмоқда.

Исфандиёр ЭШОНҚУЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Жиззах вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

“Янги Бўстон” маҳалласида 4 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла раиси Эрмамат Ражабовнинг қайд этишича, ҳудудда ўзини ўзи банд қилиш, эҳтиёжманд, кам таъминланган оила аъзоларининг доимий даромад манбаига эга бўлиши учун 11 та иссиқхона барпо этилган. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси доирасида кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи 30 та оилага 20 сотихли 4 та иссиқхона қуриб берилди. Уларда бодринг, помидор, булғор қалампири етиштирилди. Ҳар бир оила йилига 15-20 миллион сўмдан доимий даромад олиши мумкин.

Жорий йилда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш мақсадида туман бўйича 302 гектар ерга пиёз ва саримсоқпиёз экилган бўлса, шундан 40 гектарга яқини айнан шу маҳаллага тўғри келади. Тадбиркорлик, томорқачилик ривожлангани ортидан маҳалланинг қиёфаси ҳам ўзгаряпти. Бугунга келиб йиғинда деярли асфальт бўлмаган кўча қолмади. Биргина жорий йилнинг ўзида салкам 3 километр ички йўллар асфальт қилинди. Маҳалла биноси янгидан фойдаланишга топширилди. Маҳалладагиларнинг айтишича, яна 2-3 йилга қолмай, бу ерда бирорта камбағал оила қолмайди.

Туманнинг Ғофур Ғулом номидаги маҳалласида “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида 20 нафар ёшга берилган 10 гектар майдонда тажриба асосида брокколи карами экилган эди. Иқлим шароитидан келиб чиқиб, катта ёшдаги миришкор деҳқонлар ёрдамида карам кўчатлари ҳосилга кириш арафасида. Туманда илк маротаба етиштирилаётган ушбу брокколи карами маҳсулотларини нафақат Ўзбекистон, балки Россия ва Европа мамлакатларига ҳам экспорт қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, маҳаллада ер ҳадисини олган, томорқани даромад манбаи сифатида кўраётган оилалар талайгина. Улардан бири шу ерда яшовчи Олимжон Шаминов оиласидир.

— *“Маҳалла еттилиги” кўмагида банкдан 33 миллион сўм кредит олиб, 4 сотихли иссиқхона қурдим, —* ***дейди Олимжон Шаминов.*** *— Бу ерга 4 минг 500 туп Кореянинг “Санянг” деган қулупнай навли кўчатларини экдик. Ўғити ва суви томчилатиб суғориш технологияси асосида амалга оширилади. Қуёш барча қаторларга яхши тегиб туриши учун 4 қаватли қилиб экилган. Қишда қадалган кўчатларнинг илк ҳосилини март ойида териб олдик. Етилган қулупнайнинг биринчи ҳосилининг ҳар килограммини 200 минг сўмдан, охирини 50-60 минг сўмдан сотдик. Иссиқхонанинг иккинчи ярмига булғор қалампири*



экдик. Иссиқхонада оила аъзоларимнинг 3 нафари доимий иш билан банд.

Омилкор деҳқонларнинг айтишича, томорқани ривожлантириш учун банкдан кредит олишдан чўчимаслик керак. Тўлаб бўлгач, иссиқхона сизга мулк бўлиб қолади. Пенсияда ҳам ишлайверасиз, пенсия қачон келади, деб йўл пойламайсиз. Шундан келиб чиқиб, “Сайхунобод тажрибаси”ни ҳар бир оилада жорий этиш керак. Бугун “Менга моддий ёрдам бер, иш йўқ”, деб ўтирадиган вақт эмас. Ерга боқсанг, ерни ўзи сени боқади. Камбағалликдан чиқишнинг энг яхши йўли — ўз еридан, томорқасидан унумли фойдаланишдир.

ЖАРАЁН

Даромадни ошириш, бандликни таъминлашда “Сайхунобод тажрибаси” асқотяпти

Бугунги кунда Янгиер шаҳрида 12 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, унда 48 минг 47 нафар аҳоли, 12 минг 576 та хонадон, 15 минг 791 та оила бор. Ҳар бир оиланинг тинч, фаровон яшаши учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Муаммолари ҳал этилиб, турмуш тарзи яхшиланмоқда.



Раҳмонқул НАЗИРҚУЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Янгиер шаҳар бўлими бошлиғи.

Барча йиғинларда “маҳалла баланси” ишлаб чиқилиб, “Омбор китоби” ташкил этилди. Шунингдек, Бандлик дастурлари тайёрланди. Хатлов натижасида 736 нафар ишсиз фуқаро “Омбор китоби”га киритилиб, барчасининг бандлиги таъминланди. Жумладан, 20 нафар ишсизга кредит берилиб, 15 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлади. 12 нафари касб-ҳунарга ўқитилди. Битта маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилиб, Сайхунобод ва Уйчи туманларидаги тажриба асосида 1 200 та хонадон намунали ҳолатга келтирилди.

Тумандаги 11 та маҳалла ўз хизмат биносига эга. Биттаси қўшни маҳалла биносида фаолият юритмоқда. Жорий йил 1 та янги бино қурилиб, 4 таси капитал таъмирланди. 5 та маҳаллага компьютер ва нусха кўчирувчи қурилмалар тақдим этилди.

“Маҳалла еттилиги” аъзоларининг билим ва тажрибаларини ошириш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. “Энг намунали маҳалла раиси” ҳамда “Энг обод “маҳалла еттилиги” хонадони” кўрик-танловлари “еттилик” иш самарадорлигини янада оширмоқда.

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари доирасида 20 та кўчада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиб, намунали кўчаларга айлантирилди. 7 нафар оилани, шундан 3 нафар ёлғиз кекса, 34 та боқувчисини йўқотган оила ҳамда 12 нафар ногиронлиги бўлган фуқаронинг хонадонларида ҳашарлар ташкил этилиб, томорқаларига ишлов берилди. Шунингдек, 24 та хонадоннинг уй-жойи таъмирланди. 305 та кўп қаватли уй-жойлар атрофи ободонлаштирилди.

Маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш бўйича жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиғи тўловининг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолмоқда. Шу кунга қадар 12 та йиғинда 235 млн. сўм маблағ шаклланди. Шундан 69 млн. сўми маҳаллалар ҳудудидаги ички йўллар, пиёдалар йўлакчалари, ёритиш тизими, электр энергияси ҳамда табиий газ тармоқлари, ичимлик ва оқова сув тизимини таъмирлаш ва тиклаш учун сарфланди. 59 млн. 200 минг сўми йиғинлар биноси, спорт майдонлари, нуронийлар чойхонаси, “Ёшлар маркази”, болалар майдончаси, кутубхона, маданият марказини қуриш, мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда уларни мебель, компьютер техникаси ва бошқа ускуналар билан жиҳозлашга ишлатилди.



Боғдод туманидаги “Юксалиш” маҳалласи тажрибасини амалиётга самарали жорий этиш бўйича 1 та маҳалла танлаб олиниб, “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этилди. Ҳозир унга 1000 кв.метр ер майдони ажратилган бўлиб, бино қурилиши арафасида.

Бугунги кунда маҳаллаларда 4 та (*Ижтимоий кўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича, Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича, Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича*) комиссия ҳамда 1 та мустақил комиссия (*Тафтиш комиссия*), 6 та жамоатчилик тузилмаси (*“Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси, “Маҳалла назорати” гуруҳи, “Кексалар маслаҳати” гуруҳи, “Аёллар маслаҳат кенгаши”, “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳи*) фаолият юритади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан тузилган 12 та маҳалладаги “Маҳалла назорати” гуруҳларига йиғин раиси раҳбарлик қилади. Шу кунга қадар мазкур гуруҳ аъзолари маҳаллаларда, 54 та муаммони аниқлади. Шундан, 34 таси ижобий ҳал этилган, 20 таси жараёнда турибди. Шунингдек, 12 тадан ортиқ таълим муассасаларида ўқувчиларнинг давомати ўрганиб чиқилди. 2 та маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалга ошириладиган вазифалар бўйича “Йўл хариталар” ишлаб чиқилди.

Келгуси режалар кўп. Жумладан, 1 та янги маҳалла биноси қурилиб, 8 та “маҳалла еттилиги”нинг моддий-техник базаси яхшиланади. Миграциядан қайтадиган аҳоли билан “Сайхунобод тажрибаси” бўйича ишланади. “Омбор китоби”га киритилган ишсизларнинг бандлиги тўлиқ таъминланади. Фуқароларни ўз уйи ва кўчасини озода сақлашга, миллий қадрият ва урф-одатларни ҳурмат қилишга чақириш, маънавий ва маърифий ишларда маҳалланинг ўрнини кучайтириш, аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида тарғибот ишлари амалга оширилади. “Маҳалла еттилиги” аъзолари маҳалла доирасида амалга оширилган ишлари бўйича тегишли фуқаролар йиғинларида ҳар чорак якуни бўйича ҳисобот бериши ташкиллаштирилади. Янгиер шаҳар маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши ҳар ойда бир маротаба, вилоят кенгаши ҳар уч ойда муҳокама йиғилишларини ўтказади.



ТАШАББУС

ҲАМЖИҲАТ ҲАРАКАТ ОРЗУГА ЕТАКЛАДИ

Найманчаликлар кўпйиллик орзусига етди: маҳаллада замонавий футбол майдони қуриб битказилди.

Гап шундаки, Тўрақўрғон туманида “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси бўйича жорий йилнинг 1-мавсумида 19 884 млрд. сўмлик 16 та лойиҳа ғолиб деб топилди. Улар ички йўлларни асфальтлаш, умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш, ичимлик сув қудуғи қазиш ҳамда мини стадион қуриш лойиҳаларидан иборат эди.

“Паст Найманча” маҳалласи аҳолиси анчадан бери ўз ҳудудларида ёпиқ мини футбол майдончаси бўлишини орзу қилишарди. Бу истак йиғин аҳлини ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш, бир мақсад сари интилишга чорлади. Бу борада “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси уларга катта имконият яратди. Етарлича тўпланган овоз туфайли 850 миллион сўм маблағ қўлга киритилди.

Куни кеча ана шу ўйингоҳ ўз эгаларига байрамона тақдим этилди. Маросимда туман ҳокими Шерали Қосимов, сектор раҳбарлари, маҳалла нуронийлари ҳамда ёшлар ҳозир бўлди. Сўз олганлар ҳаётбахш лойиҳа қишлоқларга ободлик олиб кираётганини эътироф этишди.

Тадбир давомида маҳалланинг ёш футболчилари ўртасида ўйингоҳда илк мусобақа ўтказилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Темурбек ЯХШИБОЕВ. Муборак тумани:

— Танишим ҳоким ёрдамчиси кўмагида имтиёзли кредит олганди. Ҳоким ёрдамчиси кредит мақсадли ишлатилгани бўйича далолатнома берганди. Бироқ банк масъуллари қайтадан мониторинг ўтказиб, кредитни мақсадсиз ишлатилган, деб топиб, қайтаришни сўраяпти. Айтингчи, банкнинг қайта текширув ўтказиши тўғрими?

КРЕДИТ МАҚСАДЛИ ИШЛАТИЛГАНИНИ КИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ?

Фаррух ЖЎРАЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Албатта, мумкин. Сабаби, ҳоким ёрдамчиси жойига чиқиб, мониторинг қилганидан сўнг ҳам маҳсулотни таъминотчига қайтариб бериб, нақдлаштиришга интилиш ҳолатлари мавжуд. Мазкур ҳолатларни аниқлаш ёки олдини олиш учун банк филиаллари ходимлари жойига чиқиб ўрганиши мумкин.

Ўрганиш натижаларига кўра, кредит мақсадсизлиги аниқланса, тегишли далолатнома расмийлаштирилади. Шу билан бирга, агар кредит мақсадлилиги таъминланмаса ёки банк талабига кўра кредит маблағлари муддатидан олдин қайтарилмаса, банк айбдорларга нисбатан чора кўрилиши юзасидан тегишли ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилиши мумкин.



Сенат: 2020-2024 йилларда 59 та ялпи мажлис ўтказилиб, 438 та қонун МУҲОКАМАДАН ЎТКАЗИЛДИ.



Хоразмда лазерли текисланган ернинг ҳар гектарига 1 МИЛЛИОН СЎМДАН субсидия бериш тизими жорий этилади.



ЭЛЕКТР ХАРАЖАТИ УЧУН субсидия насосларни янгилаш ва қуёш панеллари ўрнатишга боғланади.

МАНЗАРА

Шаҳду шиддати бор, кўзи ёниб турган ёшлар келажакни белгилайди

Мўйноқ туманида 12 та маҳалла мавжуд. “Ёшлар баланси”ни шакллантириш мақсадида жорий йилда ёшлар етакчилари йиғинлардаги ҳар бир хонадонга кирган ҳолда, йигит-қизларнинг муаммолари ва қизиқишларини ўрганди. 14-30 ёш оралиғидаги 6 минг 506 нафар йигит-қиз рўйхати шакллантирилиб, улардан 4 минг 964 нафари “яшил”, 1 минг 523 нафари “сариқ”, 84 нафари “оғир” тоифага киритилди.



Султонбек РАСБЕРГЕНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Мўйноқ тумани бўлими бошлиғи.

Маҳалла-сектор-туман кесимида “Ёшлар бандлиги” дастури ишлаб чиқилиб, шу орқали 110 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Хусусан, уларнинг 66 нафари доимий ишга жойлаштирилди, 15 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 5 нафарига субсидия асосида меҳнат қуроллари, 12 нафарига деҳқончилик учун 9,6 гектар экин майдони, 12 нафарига тадбиркорлик учун 249 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шу билан бирга, “маҳалла етти-лиги” тавсияси асосида электрон онлайн аукцион орқали 102 гектар ер майдони 115 нафар ёшга бўлиб берилди.

“Оғир” тоифадаги 84 нафар ёш доимий назоратга олиниб, уларнинг жавобгарлиги 10 нафар сектор, корхона ва ташкилот раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари зиммасига юкланди. Улар билан учрашувларда 30 та муаммо кўриб чиқилди. Шундан 27 таси ижобий ҳал қилинди. Бу жараёнда 5 нафар йигит-қиз доимий иш ўринларига жойлаштирилди, 4 нафарига имтиёзли кредит, 2 нафарига ер майдони, 1 нафарига асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари учун субсидия ажратилди, шунингдек, 1 нафари касб-ҳунарга ўқитилди.

Мўйноқ туманида жорий йилда ёшлар 6 та жиноятни содир этган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўрсаткич 4 тага ошган. Айни ҳолат ҳисобга олиниб, 52 нафар жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор ёшларнинг рўйхати шакллантирилиб, улар ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларига номма-ном бириктирилди. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ўсмирлар Нукус шаҳридаги Шимоли-ғарбий ҳарбий округида 10 кунлик махсус дастур асосида “Жасорат мактаби” ҳарбий-ватанпарварлик йиғинларига жалб қилинди.



“Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида ўтказилган хатловда 163 нафар хориждаги ёшлар баланси тузилиб, улар билан доимий мулоқот ўрнатилди. 250 нафар йигит-қиз “Ёшлар дафтари”га киритилиб, шу кунга қадар 143 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, касб-ҳунар ўргатиш, имтиёзли кредит, ер майдони ва субсидия ажратиш натижасида 83 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. 59 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшнинг муаммолари ҳал этилиб, доимий назоратга олинди.

Туманда юқори натижаларга эришган “Иқтидорли ёшлар баланси” шакллантирилди. “Ҳар бир маҳаллада камида икки нафар дастурчи” лойиҳаси доирасида 60 нафар ёшни чет тилларига ўқитиш режалаштирилган. Яна 60 нафар йигит-қиз инглиз ва немис тиллари бўйича сертификат олди. Бундан ташқари, “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси бўйича 450 нафар ёш 21 та халқаро тилни бевосита онлайн ўрганиб келяпти. “Келажак касблари” лойиҳасига 42 нафар ёш қамраб олинган.



Ёшларнинг бўш вақти мазмунли ташкил этилсагина, улар иқтидорини намоён эта олади. Шу мақсадда “Беш ташаббус олимпиадаси”да иштирок этиш учун 9 минг 108 нафар ёш онлайн рўйхатдан ўтди. Ҳозиргача унинг доирасида “Ёш мусаввир”, “Заковат”, “Мушоира” танловлари, миллий кураш ва стритбол, шахмат-шашка, армрестлинг, стол тенниси, воркаут, енгил атлетика, паралимпия, киберспорт, футбол, мини футбол, гимнастика ва волейбол мусобақаларининг туман босқичлари ўтказилди.

“Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти”. Бу тамойил асосида маҳалла ёшлари иштирокида 694 та маданий-маърифий тадбир ўтказилиб, 11 минг нафар йигит-қиз қамраб олинди. Шунингдек, мактабларнинг спорт мажмуалари, компьютер хонаси ва кутубхоналарда ҳар куни тўгараклар йўлга қўйилиб, 60 нафардан ортиқ ёшнинг бўш вақти мазмунли ташкил этиляпти.

Туманда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида мустаҳкам тизим яратилган ва у замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллашиб боряпти. Бундай имкониятлардан фойдаланиб, кўзи ёниб турган, билимли, жасоратли йигит-қизлар бунёдкорлик ишларига камар-баста бўлиб, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишга интилмоқда. Шундай экан, уларни ўз вақтида қўллаб-қувватлаб, салоҳиятини намоён этишида доимо таянч бўлмоқдамиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Фароғат ОДИЛОВА.
Қўқон шаҳри:

— Қўқон шаҳриданман. Яқинда тўйим бўлади, тиббий кўрик учун борсак, молекуляр-генетик тестдан ўтиш учун Фарғона шаҳрига боришимиз кераклигини айтишди. Унинг тўлови тахминан 500 минг сўм экан. Ҳозир тўй устида турибмиз, ҳар бир сўм ҳисобли. Шу тестдан ўтишга мажбурмизми? Тиббий кўрик бепул эмасми?

“ГЕНЕТИК ТЕСТДАН ЎТИШГА МАЖБУРМИЗМИ?”

Эркинжон МАҲМУДОВ,
Қўқон шаҳар адлия бўлими бошлиғи:

— Оила кодексининг 17-моддасига кўра, никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтади. Никоҳланувчилар эллик ёшдан ошган бўлса, шунингдек, алоҳида ҳоллар мавжуд бўлганда, тиббий кўрикдан ўз розилиги билан ўтказилади.

“Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги Низомга кўра, никоҳланувчилар психик, наркологик, таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий кўрикдан ўтади. Тиббий кўрик жараёнида генетик текширувларга зарурат бўлганда, уларнинг ўзаро келишуви асосида ушбу текширувлар пуллик асосда амалга оширилиши мумкин.

Президентнинг 2022 йил 25 апрелдаги “Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 2023 йил 1 июлдан бошлаб, никоҳланувчи шахслар ўз ҳисобидан Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази ҳамда унинг ҳудудий марказларига ташриф буюриш орқали молекуляр-генетик тестдан ўтказилади.

Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғига асосан, никоҳланувчи шахсларни молекуляр-генетик тестдан ўтказиш уларнинг розилиги билан ихтиёрий равишда ўз ҳисобидан амалга оширилади. Фақатгина хавф гуруҳидаги ҳомиладор аёллардан олинган биоматериални молекуляр-генетик лаборатор текширувдан ўтказиш бепул саналади.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилсак, сиз молекуляр-генетик тестдан ўтишга мажбур эмассиз. Ушбу тестдан ўтиш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан ихтиёрий равишда ўз ҳисобидан амалга оширилади.

ЭЪТИРОФ

ТОП-100 ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Маҳаллаларда ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда юқори натижадорликка эришаётган энг илғор етакчилар рўйхати ҳар чоракда эълон қилинади.

Шунга кўра, 2024 йилнинг учинчи чораги натижаларига кўра, ТОП-100 ёшлар етакчилари рейтинги эълон қилинди. Бу рўйхатдан жой олган ёшлар етакчилари маҳалла тизимида ўз билим ва фидойилиги билан йигит-қизларга йўл кўрсатиб, уларнинг мақсад ва интилишларини амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Мазкур рейтинг натижалари 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори ҳамда 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони асосида ҳар чоракда янгилаб борилади.

МАНЗАРА

Тўғри йўл кўрсатилса, ёшлар тўғри иш қилади

Баъзан шундай вазиятлар бўладики, йигит-қизлар 14 ёшга кирмаган, лекин уларга ижтимоий кўмак лозим. Ушбу вазиятда “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ишлаб, ечим топамиз. Агар бола 14 ёшга тўлмаган ва онаси 30 дан ошган бўлса, уни “Аёллар дафтари”га киритиш орқали фарзандининг эҳтиёжи қопланишини таъминлаймиз.

Шаҳризод ҲАСАНОВ,
Янгиҳаёт туманидаги “Чароғон” маҳалласи ёшлар етакчиси.



Аввало, йилнинг боши ва ўртасида аҳолини хатлов қилганимизда уларга қандай ёрдам кераклигини сўраймиз, муаммони аниқлаб, нимага муҳтож бўлса, эътиборга оламиз. Шароити ўрганилган ҳолатда қайси тоифага мос бўлса, хулоса қилиб, шу тоифадаги дафтарга киритамиз. Айниқса, парваришга муҳтож, ногиронлиги бор ёшларни ижтимоий ходим билан хонадонма-хонадон юриб рўйхатга оламиз. Мисол учун, битта ҳолатда оиланинг кўмак олиш учун шароити тўғри келади, лекин бунинг учун асослантирувчи ҳужжати йўқ. Вазиятни ўрганганимизда, аввал ҳам улардан хабар олишгани, аммо ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганини айтишди. Шунинг учун бу масалаларни астойдил тушунтирганимиздан сўнг, оилалар ёрдам олишни бошлади.

Шундай оилалардан бирида аёл 5 нафар боласи билан ёлғиз яшайди. Фарзандлар вояга етиб қолган. Бири университетда ўқийди, унинг шартнома пулини тўлаш керак. Бири ўқишга тайёргарлик кўряпти, яна бошқаси ҳарбий хизматга бормоқчи, қолган икки нафари мактаб ёшида. Аёлнинг мавсумий ишлардан топган пули болаларнинг харажатига етмайди. Буни алоҳида эътиборга олган ҳолда, уни “Аёллар дафтари”га киритдик. Болаларнинг ўқиши учун шартнома ва тўгарак пуллари тўлаб берилди.

Маҳалламиздаги 150 нафардан зиёд йигит-қизга “Ёшлар дафтари” орқали 30 дан ортиқ кўмак турларини кўрсатиб келяпмиз. Жорий йилда моддий ёрдам берилганлар 10 нафарни, шартнома тўлови амалга оширилганлар 11 нафарни, сафарбарлик чақирув резерви харажати қопланганлар 3 нафарни ташкил этди. Мисол учун, ёшлардан бирининг отаси ногирон, ўзи уйда ёлғиз фарзанд. Вояга етган, аммо ҳеч қаерда ишламайди, бирор машғулот билан шуғулланмайди. Мақсадини сўрасам, бир неча бор турли ҳунарларда ўзини синаб кўргани, аммо ўхшамаганини айтди. Энди ҳарбий хизматга кетиб, ўша ерда ишлаб қолмоқчи. У ҳақидаги маълумотларни ўргандим. Ҳозир йигитни ҳарбий хизматга жўнатиш чораларини ҳал этяпмиз.

“Оғир” тоифадаги ёшлар билан ишлаш жараёнида бироз машаққат ва эҳтиёткорлик талаб этилса-да, уларнинг муаммоларига ечим топишга интиляпмиз. Йиғиндаги уч нафар ака-укани бу атрофда танимаган-билмаган одам йўқ эди. Бир неча марта қамалиб чиққан. Сабаби, кўчадаги жанжалларга аралашган, ўғрилик, майда безорилик, зўравонлик каби кўнгилсиз ҳолатларни содир этган. Уларнинг вазиятини ўрганиб, дарҳол тартибга чақиришга шошилмадим. Чунки бундай нозик масалада эҳтиёткорлик зарур. Аввало, қизиқишлари билан танишиб, уларни футбол бўйича туман мусобақаларига йўналтирдим, ўзим дўстлашиб олдим. Кейин уларга бу юриши яхши эмаслиги, тезроқ бирор ишнинг ёқасидан тутиб, ҳунар эгаллаши лозимлигини уқтирдим.

Ёшлар гапларимни жиддий қабул қилди. Сўнгра уларни тадбиркорлик йўналиши бўйича ўқишга жалб қилдим. Ҳозирда бири мебель ясашда устага шогирд тушган. Ҳунар ўргангач, синов муддати берилади. Ишончни оқласа, унга субсидия ажратиб, ўзига алоҳида мебель ишлаб чиқариши учун жой ажратамиз. Бошқаси заводда, яна бири ширинлик фабрикасида ишлаяпти. Даромади 3 миллион сўмдан ошади. Шу тариқа уларга ўз йўлини топишида кўмаклашилди.

Тадбиркорликка қизиқувчи ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Шундай ёшлардан Дилноза Қосимовага қандолатчилик қилишида 10 миллион сўм субсидия ажратиб, пиширик аппарати, мини печ ва қолиплар каби жиҳозларни олиб бердик. Ҳозир буюртма олиб, маҳсулотни дўконларга тарқатади. Шунингдек, яна икки нафар ёш — Хислатилла Қудратуллаев ва Иброҳим Тоштемировга компьютер олиб берилди. Улар ишсиз ўртаҳол, қийналган ёшлар ҳисобланарди. Ҳозирда йигитлар онлайн таргетинг билан шуғулланяпти. Уй ҳайвонларини сотишади. Бундан ташқари, замонавий касблардан бири — SMM соҳасини ўрганди. Уйида компьютер хизматларини очиб, аҳолига хизмат кўрсатяпти.

Таҳлилларга кўра, ҳозирда маҳалла ёшлари кўпроқ замонавий касбларга қизиқади. Яъни улар уйда ўтирган ҳолда, таргетинг, онлайн ҳалол савдо-сотиқ бўйича ўқув курслари ташкил этилишини истайди. Таклифим шундан иборатки, ёшларнинг истакларини қўллаб-қувватлаб, маҳалламизда замонавий йўналишлар бўйича алоҳида ўқув маркази очилса, малакали мутахассислар жалб этилса, дейман. Ўйлайманки, бу йўналишлар йигит-қизларнинг молиявий савод-хонлигини ошириш билан бирга, келажак касбларини аниқ белгилаб олишларида муҳим қадам бўларди.



“БЕРУНИЙ САРГУЗАШТЛАРИ” анимацион мультфильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.



Ўзбекистон-Япония: “ИККИ ДИПЛОМ” қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш бўйича келишиб олинди.



ТОШКЕНТ МЕТРОСИнинг гавжум бекатларида ҳожатхона ташкил қилинади.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

ТЎЛАНГАН СОЛИҚНИНГ БИР ҚИСМИ ҚАЙТАРИБ БЕРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 ноябрдаги қарори билан Умумий овқатланиш, туроператорлик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига бюджетга тўланган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик Низом тасдиқланди.

Вақтинчалик Низомга кўра, 2024 йил 1 октябрдан бошлаб **туроператорлик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига** – бюджетга **тўланган солиқнинг 20 фоизи қайтарилади.**

2025 йил 1 январдан бошлаб умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига ойлик товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмасининг нақд пулсиз қисми:

– 60 фоиз ва ундан юқори бўлганда — бюджетга тўланган солиқнинг 40 фоизи;

– 60 фоиздан кам бўлганда — бюджетга тўланган солиқнинг 20 фоизи қайтарилади.

Тадбиркорлик субъекти солиқ ҳисоботини тақдим этгандан сўнг, лекин 3 ойдан кечиктирмасдан солиқнинг бир қисмини қайтариш учун мурожаат қилишга ҳақли.

Солиқнинг бир қисми қуйидаги шартлар тўлиқ бажарилганда автоматик равишда қайтарилади:

– ҳисобот даврида солиқ бўйича тақдим этилган солиқ ҳисоботига мувофиқ ҳисобланган солиқ бюджетга тўлиқ тўланганда;

– ҳисобот даврида умумий овқатланиш, туроператорлик ёки меҳмонхона хизматларини кўрсатиш бўйича умумий товар айланмаси жами товар айланмасининг 90 фоизидан кам бўлмаганда;

– ҳисобварақ-фактураларда ёки назорат-касса техникаси чекларида реализация қилинган товарлар (хизматлар) номенклатураси ҳамда фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига ёки амалга ошириладиган турларига мувофиқ бўлган идентификация кодлари акс эттирилган қисмига нисбатан.

Вақтинчалик Низом 2028 йил 1 январга қадар амал қилади.

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги
мультимедиа маркази раҳбари.

ҲОЛАТ

ҚАТЪИЙ ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Солиқ органларининг таҳлилларида тадбиркорлик субъектлари сотаётган товарлар миқдори, ўлчов бирлиги ва қийматида катта фарқлар аниқланмоқда. Бу ҳақда аввал ҳам бир неча бор хабар қилинган эди. Шу боис бундай хатоликларни бартараф этиш тизими жорий этилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўлчов бирликлари ёки товарлар миқдори нотўғри кўрсатилганлиги сабабли:

– сотилган товарлар таннархининг ҳақиқий ҳолати бузилади;

– товарлар ҳаракатини назорат қилиш қийинлашади;

– солиқ ҳисоботларини топширишда саволлар кўпаяди.

Мазкур хатоликларни бартараф қилиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида, юқори ликвидли маҳсулотларнинг маҳсулотлар ва хизматларнинг идентификация кодлари (МХИК) рўйхати шакллантирилди. Эндиликда мазкур рўйхатдаги юқори ликвидли маҳсулотларни электрон ҳисобварақ-фактура (ЭҲФ)орқали реализация қилишда қатъий бириктирилган ўлчов бирликларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон глобал халқаро маҳсулот рақамлаш тизими (GS1) маълумотлари асосида юқори ликвидли товарлар учун яратилган маҳсулотлар ва хизматларнинг идентификация кодларнинг ўлчов бирликлари сақланиб қолинади. Ушбу маҳсулотлар чакана савдода онлайн назорат-касса машиналари чеклари орқали реализация қилинганда **tasnif.soliq.uz** сайтида кўрсатилган ўлчов бирликларидан фойдаланиш мумкин.

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

ЖАРАЁН

Оҳангаронда оилалар даромади ошяпти, фаровонлик ортяпти

Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонидан сўнг Оҳангарон шаҳридаги маҳаллаларда самарали чора-тадбирларга қўл урилди. Бу эса аҳоли турмуш даражасини оширишда ўз натижасини кўрсатмоқда.



Одил АБДУСАМАТОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Оҳангарон шаҳар бўлими бошлиғи.

Биргина “Бирлик” маҳалласида “еттилик” аъзоларининг давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиши натижасида узоқ йиллар ҳал этилмай келаётган муаммоли масалалар ўз ечимини топмоқда. Жумладан, 60 та хонадонга янги трансформатор ўрнатиб берилди. Аҳоли, хусусан, ёшлар учун ўзида 6 та – баскетбол, волейбол, теннис, бадминтон, гандбол, мини футбол майдонларини жамлаган спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Маҳалла аҳолисини темир йўл кесишмасидан ўта олмаслик, ҳудудда кўприк йўқлиги қийнаб келарди. Ушбу муаммо ҳал этилиб, янги ва замонавий кўприк бунёд бўлди.

Аҳоли оқова сув йўқлиги сабабли томорқаларда экилган мевали ва манзарали дарахтлардан ҳосил ололмасди. Ушбу масала ижобий ҳал этилди. Томорқаси бор 400 га яқин хонадонга доимий ариқ суви бўлиши учун 3 та артезиан қудуғи қазиладиган бўлди. Шунингдек, пиёдалар йўлакчаси, болалар майдончаси, боғча ва бошланғич синфларда ўқийдиган ўқувчилар учун мактаб қурилиши, ички йўллар асфальтланиб, эски симёғочлар ва кўча чироқлари алмаштирилиши аҳоли қувончига қувонч қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг изчил ислоҳотлари натижасида шаҳримизнинг биргина “Бирлик” маҳалласида амалга оширилаётган юқоридаги каби ўзгаришлар ортидан маҳалла жиноятчилик бўйича “қизил” тоифадан “сариқ” ҳудудга ўтиб, оилавий ажралишларнинг кескин камайишига, тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизларни банд қилиш борасида кескин ижобий ўзгаришларга эришмоқда. Натижада камбағал оилалар сони йил охиригача бемор, ногирон, боқувчиси йўқ оилалардан ташқари бўлмаслигига эришиш мақсад қилинган.

Бу каби ижобий ўзгаришлар бошқа маҳаллаларда ҳам бўй кўрсатмоқда. Бу борада “маҳалла еттилиги” аъзолари аҳолининг ижтимоий ва маиший муаммолари ҳамда йиғинлар инфратузилмасини яхшилаш борасида 22 та маҳаллада ўрганишлар олиб бориб, 1 861 та муаммони аниқлашди. Уларнинг 1 697 таси мутасадди идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида бартараф этилди.

Йил бошида ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағал оилалар даромадини ошириш мақсадида ҳар бир маҳаллада Бандлик дастури тузилиб, 1 247 нафар фуқаронинг рўйхати шакллантирилган эди. Жорий йилнинг 10 ойи мобайнида 1 184 нафарининг бандлиги таъминланди. Улардан 298 нафари бўш иш ўринларга жойлаштирилди, 145 нафари касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. 165 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлаган бўлса, 537 нафари ўзини ўзи банд қилди. 37 нафари жамоат ишларида ишламоқда. Шунингдек, Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 584 та оилага 5084,38 млрд. сўм кредит, “Бизнесга биринчи қадам” йўналиши доирасида 100 та оилага 888 млн. сўм кредит ажратилди.



Сайхунобод ва Уйчи туманларидаги тажриба асосида 104 та хонадон намуна қилинди. Амалга оширилган ишлар натижасида 4 та маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилди.

Бугунги кунда Оҳангарон шаҳридаги 13 614 та оиланинг 365 таси (2,6 фоиз) камбағал оила ҳисобланади. Улар “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 67 нафар раҳбарга бириктирилди. Раҳбарлар ҳар бир оилани камбағалликдан чиқариш бўйича алоҳида режа ишлаб чиқиб, оиладаги мавжуд имкониятларни ишга соляпти. Жумладан, 117 нафари доимий иш ўрнига жойлаштирилмоқда. 23 нафарининг таълим олиши ва касб-ҳунар ўрганиши таъминланяпти. 34 нафари кафолатланган тиббий, 17 нафари ижтимоий хизматлардан фойдаланмоқда. 24 нафарининг яшаш шароитлари яхшиланяпти. 185 нафарига бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Шаҳар аҳолисининг 3 фоизи (1 272 минг нафар) бошқа мамлакатларда бўлиб, шундан 1 025 нафари (93,6 фоиз) ишлаш мақсадида кетган. Йил якуни билан даромади кам ҳамда муаммоси бўлган 201 нафар мигрантни қайтариш режалаштирилган. Улар даромадли иш билан таъминланади.

Маҳаллалардаги ишлар натижаси “маҳалла еттилиги”га боғлиқ. Шу боис “еттилик” аъзоларига қулай шароит яратиш мақсадида 10 та маҳалла компьютер, 1 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. Барча маҳалла раисларига планшет тақдим этилди. Ўз хизмат биносига эга бўлмаган 6 та маҳаллани бино билан таъминлаш бўйича “Йўл харита”си тасдиқланган.

Келгусида режаларимиз кўп. Ўйлаймизки, барча мақсадларга “маҳалла еттилиги”нинг фаоллиги, жонкуярлиги ва ташаббуси билан эришамиз.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

“Фуқаролар солиқ идорасига эмас, биз уларнинг хонадонига боряпмиз”

Солиқ ходимларининг “маҳалла еттилиги” таркибига киритилиши ва “маҳаллабай” ишлаш тизимининг йўлга қўйилиши натижасида солиқ тўловчилар сони ҳамда солиқларни ихтиёрий тўлаш кўрсаткичлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2022 йил Сариосиё туманида юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажарилиши 95,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 97,4 фоизга етди. Жорий йилни 100 фоизлик кўрсаткич билан якунлаш бўйича барча ишлар амалга оширилмоқда.

Хуршид ХЎЖАЁРОВ,
Сариосиё туманидаги “Чилонзор”, “Жаннатмакон”, “Хуфар”, “Боғистон” маҳаллалари солиқ инспектори.



Бу жараёнда солиқ инспекторларининг маҳаллалар кесимида олиб бораётган хатлов, тарғибот ва тушунтириш ишларининг аҳамияти катта. Хусусан, “Чилонзор”, “Жаннатмакон”, “Хуфар”, “Боғистон” маҳаллаларида хатлов жараёнларида 1 та бўш турган бино, 26 та бўш турган ер участкаси аниқланиб, улардан самарали фойдаланиш чоралари кўрилди.

Менга бириктирилган маҳаллалардан биргина “Жаннатмакон” йиғини туман марказига яқин, қолганлари 50-60 километр олисда, тоғли ҳудудда жойлашган. Аҳолининг асосий қисми чорвачилик, деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланишади. Маҳсулотларини Шарғун шаҳарчаси ҳамда Денов туманидаги бозорларга чиқариб, даромад топишади. Ҳозирда 4 та маҳаллада 21 та тижорат корхонаси, 50 та фермер хўжалиги, 150 та деҳқон хўжалиги, 104 та якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. 1 334 нафар фуқаро турли йўналишлар бўйича ўзини ўзи банд қилиб, рўйхатдан ўтди.

Эндиликда улар олтмиш километр йўл босиб, туман марказига келишмайди, аксинча, биз солиқ тўловчиларнинг хонадонида бўлиб, уларга зарур амалий кўмак беряпмиз. Хусусан, мол-мулк ва ер солиғини белгиланган муддатларда тўлаш, кадастр ҳужжатларига киритилмаган ер майдонларини қонунийлаштириши, норасмий ишлаётган ходимлар фаолиятининг қонунийлаштирилиши каби омиллар ҳудуддаги солиқ инспекторларининг самарали фаолиятидан далолатдир. Ўтган 10 ойи давомида тўртта маҳаллада 63 та янги иш ўрни яратилиб, ўзини ўзи банд қилган 47 нафар шахс кичик бизнес тоифасига ўтди. Шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмай тадбиркорлик фаолиятини билан шуғулланаётган 26 нафар фуқаронинг фаолиятини қонунийлаштирдик. 14 та корхонада норасмий меҳнат қилаётган 159 нафар ишчининг расмий бандлиги таъминланди. Вақтинчалик молиявий қийинчиликка дуч келган 12 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти тикланди. Қўшимча 26 та объект аниқланиб, 5,3 млн. сўм солиқ ҳисобланди. Тадбиркорларнинг товар айланмаси 27 млн. сўмга кўпайди.

Солиқ ходимларининг иш самарадорлиги “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизими асосида баҳолаб борилмоқда. Жорий йилнинг ўн ойи давомида самарадорлик кўрсаткичларим ўртача 92 фоизни, жумладан, октябрь ойида 97,5 фоизни ташкил этди. Натижада фаолиятим муносиб рағбатлантирилди.



“World Travel Market London – 2024” кўргазмасида ЎЗБЕКИСТОН СТЕНДИ ташкил этилди.



Жорий йил 14-16 ноябрь кунлари Тошкентда “INNOWEEK” халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги бўлиб ўтади.



Психологик ёрдам кўрсатишда қонуний чекловларга риоя этмаганлик учун МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК белгиланди.

СУД ҲУКМИ

МАШИНАНИ ОЛИБ ҚОЧИШ ҚИММАТГА ТУШДИ

Спиртли ичимликларга ружу қўйиш турли иллатлар келиб чиқишига, ҳатто жиноят содир этилишига сабаб бўлади. Бу фикр исботини Андижон шаҳрида яшовчи Сарвар Каттахонов (*исм-шарифи ўзгартирилган*) билан боғлиқ ҳолат мисолида ҳам кўриш мумкин.

Гап шундаки, кунларнинг бирида ширакайф ҳолда кўчада юрган Сарвар соат 22:00 лар чамаси ўткинчи “Damas”ларнинг бирига қўл кўтаради. Ҳайдовчи Омадбек Маллаев гарчи ишини тамомлаб, уйига қайтаётган бўлса-да, Сарварни машинасига ўтқазди. Бир километрча юришгач, ҳайдовчи йўл бўйидаги дорихонага ишора қилиб, йўловчига юзланди:

– Икки дақиқага шу ерда тўхтасак. Гриппга қарши дори олиб кетишим керак эди...

Сарвар бунга рози бўлади.

Ҳайдовчи машинадан тушгач, калит уловнинг ўзида қолганини кўрган Сарварнинг хаёли бузилди. Ҳаракатларининг оқибатини ўйлаб ҳам ўтирмай, шартта рулга ўтирдию машинани миниб қочди.

Манзилга етай деганда, машинани ортга буриб, ҳайдовчи тўхтаган манзил – дорихона томон отланди. Орадан ярим соат вақт ўтган, табиийки, машинанинг эгаси “Damas”нинг олиб қочилгани ҳақида тегишли органларга хабар бериб улгурганди...

Ҳолат юзасидан олиб борилган суриштирувлар, кейинчалик суд муҳокамаси жараёнида Сарвар ичкилик таъсирида нима қилаётганини англамай транспорт воситасини ўғирлаш ёки талон-торож қилиш нияти бўлмаганини айтади.

Тўғри, у Омадбекнинг машинасини яшириб қўйгани ёки талон-торож қилгани йўқ, бироқ юқоридаги хатти-ҳаракатининг ўзиёқ унга нисбатан жиноят иши очишга сабаб бўлди. Транспорт воситасини олиб қочиш Жиноят кодексининг 267-моддасига кўра, шахсни жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Суд ушбу ҳолатни атрофлича ўрганиб, судланувчининг айбига қисман иқрорлиги ва пушаймонлиги, жабрланувчининг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини эътиборга олиб, Сарвар Каттахоновга нисбатан тўрт йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Ўйлаймизки, бу муддат жиноятчининг ўз қилмишидан хулоса чиқариши учун етарли вақт. У билан боғлиқ ҳолат тафсилотлари шум ниятда юрган, жиноятга мойил шахсларга сабоқ бўлса не ажаб!

Элёр ПИРМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Андижон шаҳар суди судьяси.

ЖАРАЁН

“Қизил” ва “сариқ” “яшил”га ўтса, мақсад ва манзилга етамиз

Боғот туманидаги маҳаллалар 4 та секторга бириктирилган бўлиб, йиғинларда аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшлар билан ишлаш, аҳоли бандлигини мустаҳкамлаш тизимини самарали ташкил этиш йўналишларида “Хоразм тажрибаси”ни жорий этиш ишлари амалга оширилди.



Рустам МАДАМИНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Боғот тумани бўлими бошлиғи.

Бу жараёнда дастлаб аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектларига доир 25 та йўналиш, 401 та кўрсаткич бўйича 43 та маҳалланинг ва шу асосда туман баланси шакллантирилди. Унга кўра, ҳозирда туман бўйича 5 096 нафар ишсиз (2,8 фоиз) мавжуд, 12 минг 436 нафар (7 фоиз) фуқаро хорижга ишлаш учун кетган.

Тумандаги 43 та маҳалла ихтисослашуви ўрганилиб, янги ўсиш “драйверлари” аниқланди. Шунга мувофиқ, маҳаллаларни ишсизлик, камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида “Истиқлол”, “Сайхунобод”, “Уйчи”, “Дилбулоқ” маҳаллалари тажрибалари йўлга қўйилмоқда. Натижада тумандаги 5 096 нафар ишсиз фуқаронинг 4 311 нафари ишли қилинди. Шундан 1 247 нафари бўш иш ўринларига, 91 нафари жамоат ишларига жойлаштирилди. 69 нафарига субсидия, 481 нафарига имтиёзли кредитлар берилди. 1 150 нафарига ер ажратилди, 250 нафари ҳунармандчиликка, 114 нафари касаначиликка, 151 нафари якка тартибдаги тадбиркорликка йўналтирилди. 110 нафари хорижда ишга жойлаштирилди. 431 нафари ўзини ўзи банд қилди. 431 нафари касб-ҳунарга ўқитилди. Шунингдек, 212 та микролойиҳа ташкил этилди.

Ҳозирда “mahalla.ijro.uz” ягона рақамли платформасига тумандаги 32 минг 758 та хонадонда яшовчи 49 минг 420 та оила аъзолари тўлиқ киритилди. Бундан ташқари, платформага ногиронлиги





бўлган, пробация ва профилактик ҳисобдагилар, ишсизлар ва хорижга ишлашга кетган фуқаролар ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилди. Шунингдек, маҳаллалар ҳудудидаги 140 та мактабгача таълим муассасаси, 58 та умумтаълим мактаби, 13 та поликлиника ва 3 та шифохона ўрин олган.

Фуқаролар мурожаати билан манзилли ишлаяпмиз. Жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида Маҳаллалар уюшмаси туман бўлимига 373 та мурожаат келиб тушди. Шундан 281 таси ижобий ҳал этилди, 80 тасига тушунтиришлар берилди ва қолган 12 таси ўрганиш жараёнида. Мурожаатларнинг 10 та маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, 18 таси коммунал масалаларга оид, 223 таси моддий ёрдам ажратиш, 10 таси “маҳалла еттилиги” ходимларидан норозилик ҳолати, 14 таси уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича, 91 таси бошқа масалалар билан боғлиқ.

Маҳаллаларда “Миллий қадриятларимизни асраш”, “Фарзанд тарбиясига бефарқ бўлмаслик”, “Менинг маҳаллам жиноятчиликдан холи ҳудуд”, “Мен маҳалламга бефарқ эмасман!” мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар, “Заковат”, “Зукко китобхон”, “Ёш китобхон” ва “Мунозара” интеллектуал ўйинлари ташкил этилмоқда. Шунингдек, “Уч авлод учрашувлари”, “Бир нуронийга ўн нафар ёш” тадбирлари ҳамда спорт, маданий ва китобхонликка оид тадбирлар мунтазам ўтказиб келиняпти. “Оила – маҳалла – мактаб” тамойили асосида тумандаги 52 та умумтаълим мактабида “маҳалла еттилиги” иштирокида ота-оналар йиғилишлари ҳамда нуронийлар иштирокида “Тарбиявий соатлар” ўтказилмоқда.

Якка-ёлғиз ва ногиронлиги бўлган шахслар доимий эътиборимизда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уларга 506,9 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бугунги кунда тумандаги маҳаллаларнинг 33 таси жиноятдан холи ҳудуд – “яшил” тоифада. 8 таси “сариқ” тоифада бўлса, 2 таси “қизил” тоифада. Мақсадимиз – “сариқ” ва “қизил” тоифадагиларни “яшил” тоифага ўтказишдир. Жиноятчиликни жиловлаш мақсадида “маҳалла еттилиги” аъзолари, Миллий гвардия ва профилактика инспекторларидан иборат патруллик гуруҳлари ташкил этилиб, мунтазам профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қабул қилинаётган қарор ёки фармонларнинг туб моҳияти халқимизнинг яхши шароитларда яшаши, ҳар бир инсоннинг ривожланиши учун фойдали бўлишга қаратилган. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Ҳозирги таҳликаларга ечим топамиз десак, бизнинг ягона йўлимиз – маҳалла, маҳалла, маҳалла ва яна бир марта маҳалла. Маҳалла тизими обрўйини қанча кўтарсак, одамлар ишонади, одамлар биздан рози бўлади”. Бу ишларга барчамиз масъулмиз.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Амалий ва тарғибот тадбирлари бузғунчи ғояларга жой қолдирмайди

Дўстлик тумани марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги маҳалла янги намунали уйлардан ташкил топган. Беш мингдан ортиқ аҳолининг саксон фоизи олий маълумотли, давлат ташкилотларида меҳнат қилади.

Сардор КАРИМОВ,
Дўстлик туманидаги
Алишер Навоий номидаги
маҳалла профилактика инспектори.

Маҳаллада тадбиркорлик, хусусан, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари ҳамда иссиқхоналар яхши ривожланган. Йиғинда ишсиз, бекорчи одамнинг ўзи йўқ. Борлари ҳам кредит олиб, тадбиркорлик, ер олиб, деҳқончилик билан шуғулланмоқда. Биз, профилактика инспекторлари эса фуқароларнинг хотиржам меҳнат қилиб, тунини оила бағрида осойишта ўтказиши учун ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш йўлида кечаю кундуз хизматдамиз.

Биринчи навбатда, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини “маҳалла еттилиги” имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳал этиш чораларини кўряпмиз. Ҳар бир оиланинг аҳволидан хабардор бўлиб, ким нима билан машғул – ҳаммаси ўрганилмоқда. Ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож, низоли оилалар билан манзилли ишлаяпмиз.

Жиноятларнинг аксарияти тунги вақтда, қоронғу жойларда содир этилиши эҳтимоли катта. Шу сабаб, маҳалла ҳудудига кириб-чиқадиган асосий кўчаларга видеокузатув қурилмалари ўрнатилиб, ички кўчаларга тунги ёритгич чироқлари қўйилмоқда.

“Мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида доимий амалий ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида ёндашилмоқда. Ёшлар етакчиси бошчилигида спорт мусобақалари, турли танлов ва маданий тадбирлар ўтказиляпти. 20-умумтаълим мактабидаги шахмат, шашка, стол тенниси, китобхонлик тўгараклари ёшлар билан гавжум. Ҳар куни мини футбол майдонида қизғин ўйинлар бўлиб ўтади. Яқинда маҳалла ёшларидан иборат гандболчи жамоамиз “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилган мусобақада туманда биринчи ўринни қўлга киритди. Стол тенниси бўйича вилоятда учинчи ўринни банд этди.

Мана шундай тадбирлар натижасида маҳалла ёшлари онгида турли бузғунчи ғояларга жой қолмаяпти, улар жамиятнинг ижтимоий фаол аъзосига айланмоқда.

Дарҳақиқат, маҳаллаларда жиноятчилик жиловланяпти. Одамларнинг тинч-тотув яшаши учун



“Мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида доимий амалий ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

ҳар бир маҳалланинг “қулф-калити” яратилди. Уни янада мустаҳкамлаш, жойларда янада самарали хизмат ўташимиз учун муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиб берилмоқда. Бахмал туманидан келиб, шу маҳалладаги хизмат уйимда яшаяпман. Бу кечаю кундуз ўз ҳудудимда бўлиб, ҳар бир хонадон билан самарали ишлаш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Узоқ йиллик иш тажрибамдан билдимки, аҳоли билан кўпроқ мулоқотда бўлиш, уларнинг дарду ташвишига қулоқ тутиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, билмаганларини тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб бориш жиноятдан холи ҳудуднинг асосий калити экан. Шу боис келгусида тарғибот ишларини янада кучайтириб, фуқаролар билан елкама-елка туриб, ҳудуд осойишталигини таъминлаймиз.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Анвар ТЎЛАГАНОВ.
Андижон вилояти:

– Танишимнинг банкдан олган кредити бўйича автомашинамни гаровга қўйган эдим. Агар танишим кредит қарзини тўламаса автомашинам сотилиб кетиши мумкинми?

КРЕДИТ ТЎЛАНМАСА, ГАРОВДАГИ МУЛК СОТИЛАДИМИ?

Гулнорахон АСРАНОВА,
Андижон вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси:

– Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 264-моддасига асосан, бир шахс бошқа шахсга мол-мулкни ва унга бўлган ҳуқуқни, мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади. Гаров шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак.

Шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши зарур. Қарздор ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаган тақдирда, гаровга олувчининг талабларига кўра, ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилиши мумкин. Гаров билан таъминланган мажбурият жуда арзимас бўлса ёки гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига мос бўлмаса, у ҳолатда ундирув мол-мулкка қўйилиши рад этилади. Гаров шартномасини ундирувга қаратиш суд тартибида ҳал қилув қарорига асосан амалга оширилади.

Агар сизнинг танишингиз кредит бўйича ўз қарздорлигини лозим даражада бажармаса ёки қарздорликни ўз вақтида тўламаса, у ҳолатда автомашинага ундирув қаратилиши мумкин бўлади.



Октябрь ойида Ўзбекистоннинг ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ олтин нархининг ошиши фонида 43,1 млрд. долларга етди.



ДХХ Тошкент, Андижон, Сурхондарё ва Хоразм вилоятида ноқонуний ЕР СОТИШ ҳолатларини аниқлади.



МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ тўғрисидаги декларацияга киритиладиган маълумотлар рўйхати тасдиқланди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ФАҚАТ МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИШ БИЛАН МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛМАЙДИ



Бу аёл билан ишлашни бошлаганимга 5 ойдан ошди. Дастлаб хонадонига суҳбатлашиш учун борганимда, олдимга чиқишни ҳам хоҳламаган эди. Турмуш қийинчиликлари, тақдир синовлари уни анча қийнагани юз-кўзидан билиниб турарди. Икки марта турмуш қуриб, бахтини тополмагач, 2 нафар фарзанди билан ота уйига қайтиб келган экан. Аёлдаги тушкунлик ва ҳафсаласизликни кўриб, уни ҳаётга қайтаришни олдимга қатъий мақсад қилиб қўйдим.

Мадинабону ҲОШИМОВА,
Когон туманидаги “Тараққиёт” маҳалласи ижтимоий ходими.

Биринчи навбатда, фуқаро “Ёшлар дафтари”га киритилиб, психологик хизмат кўрсатилди. Қалбида умид, ишонч ва яшаш иштиёқини уйғотиш учун давомий машғулотлар олиб борилди. Бундан ташқари, юристлар кўмагида болалари учун алимент пули ундириб берилмоқда.

Аёл ҳеч қандай касб-ҳунарга эга бўлмагани учун тикувчиликка ўқитмоқчимиз. Шу орқали келажакда бандлигини таъминлашни мақсад қилганмиз.

Инсонга кўрсатилган меҳр ва эътибор ҳеч қачон бесамар кетмайди. Шу аёл мисолида бунга яққол гувоҳ бўлиш мумкин. Аввалига одамови, бирор юмуш қилишга қизиқиши бўлмаган фуқаро энди олдига мақсад қўйиб, ҳаракат қилишни бошлади. Доим шундай ижобий натижаларга эришганимда, ижтимоий ходим сифатида фаолият олиб бораётганимдан ғурур туяман.

Маҳалламизда шу кунга қадар 6 та йўналиш бўйича 21 та кейс очилди. Хусусан, кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаш, тазйиқ ва зўравонликка учраганларга ёрдам бериш, ногиронлиги бўлган шахсларга керакли хизматлар кўрсатишдан сира тўхтаб қолаётганимиз йўқ.

Йил бошида ҳудудимизда кам таъминланган оилалар 53 тани ташкил этарди. Тизимли ишлар натижаси ўлароқ, уларнинг сонини 46 тага туширишга эришдик. Бу йўналишдаги ишларни ҳали давом эттирамиз. Натижаларни бундан-да яхшилаш учун аниқ режалар тузиб чиқилган.

40 нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда 13 та протез-ортопедия мосламалари тақдим этилди. Ҳар бири ҳаракатланиши учун қулайлик туғдираётган воситаларни олганидан жуда хурсанд. Яшаш тарзи, фаоллиги тобора ортиб бормоқда.

Ота-онаси хорижга ишлаш учун кетган 25 нафар вояга етмаганнинг барчасига васий тайинланган. Мунтазам равишда улар яшаётган оила ва таҳсил олаётган таълим муассасасига бориб, ҳолидан хабар олиб турамиз. Муаммолар юзага келадиган бўлса, ота-онаси билан қўнғироқлашиб, бирга ҳал қиляпмиз.

Шу кунга қадар ёрдам ва кўмак кутаётган фуқароларнинг 149 та аризаси келиб тушди. Шундан 105 тасига керакли хизматлар кўрсатилди. 14 таси ҳолатидан келиб чиқиб, рад этилди. 30 та мурожаат ҳали ўрганиш жараёнида.

Фуқароларга фақат моддий ёрдам бериш билан муаммолари ҳал бўлиб қолмайди. Агар ҳақиқатан уларни бу вазиятдан олиб чиқишни истасак, аввало, қалбида интилиш ва шижоат уйғота олишимиз керак. Шунда барча кўзлаган ниятларига тез ва осон етиши мумкин.

Шу кунларда оғир хасталикка чалинган бир фуқаро билан ишлаяпман. Ёши 30 дан ошган. Олий таълим муассасасининг психология йўналишида таҳсил олади. Ўқишдан бўш вақтида ишлаш истаги борлигини билдиргани боис шароитини ҳисобга олган ҳолда бандлигини таъминламоқчимиз. Шу кунгача дори-дармон воситалари учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 1 миллион 700 минг сўм миқдорида маблағ ажратилди. Яна кўплаб хизматлар кўрсатишни режалаштирганмиз.

Одамларни тинглашдан, руҳлантиришдан ҳеч ҳам чарчамайман. Эҳтимол, кимдир айтган гапларимдан ўзи учун хулоса чиқармас, лекин сўзимизни муштоқлик билан кутиб ўтирганлар жуда кўп. Кичик бир туртки уларни катта манзиллар сари йўллашига ишонамиз.

ТАҲЛИЛ

Аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшаши, бу — мақсадга эришганлик белгиси

Ҳар тарафига хушманзара гуллар экилган ҳовлига кирган кишининг, бехос юзларига кулгу югуради. Табиат гўзаллигидан кўзлари қувнаб, ўзгача завқ туяди. Агар ҳар бир фуқаро хонадони ва кўчасини шундай кўркам масканга айлантириш учун киришса борми...

Фурқат МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Миробод тумани бўлими бошлиғи.



Атроф яшилликка бурканади. Экологиямиз тозаланиб, инсонлар саломатлиги учун хавфли бўлган омиллар камаяди. Шу маънода бугун бутун республика бўйлаб қизғин паллага кирган “Яшил макон” лойиҳаси ҳар биримиздан янги ташаббус ва фаоллик талаб этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳридаги маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда аҳоли учун янада қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, туманимиздаги “Зиёнур”, “Толариқ” ва “Чинор” маҳаллалари ҳудудини комплекс ривожлантириш белгиланган. Хусусан, “Зиёнур” маҳалласида кўп қаватли уйларнинг фасад қисмини таъмирлаш ва бўяш ишлари бошлаб юборилган. “Чинор” ҳамда “Толариқ” маҳаллаларида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ноқонуний иншоотларни бузиш, ер майдонларини очиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган ҳудудларни қурилиш чиқиндиларидан тозалаш, бетон ариқлар ётқизиш назарда тутилган. Шунингдек, маҳаллалар ҳудудига янги кўчатлар экиб, янгича қиёфа касб этиши учун ҳаракатлар авж паллага чиққан. Туман миқёсида айни мавсумда 22 минг 850 туп дарахт кўчатларини экиш режалаштирилган. Хусусан, шу кунгача “Оқ уй” маҳалласида “еттилик” ташаббуси билан 76 туп манзарали дарахт ҳамда 50 дан ортиқ қишки гул кўчатлари ўтқазилди. Бундан ташқари, сув айланиш тизимларини таъмирлаш, эскирган ирригация тармоқларини тўлиқ янгилаш ишлари амалга оширилмоқда.

Туман ободонлаштириш бошқармаси ҳамда бошқарув сервис компаниялари ходимлари марказий, кичик тор кўчалар ва маҳаллаларни хазонлардан тозалаш ишларини олиб бормоқда.

Миробод туманидаги 39 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 37 тасига олий маълумотли мутахассислар раислик қилиб келмоқда. Бу натижа ишга бўлган муносабат, фуқаролар билан муомала ҳамда муаммоларга ечим топиш каби жиҳатларда ўз натижасини яққол намоён этмоқда. Жорий йилда маҳалла раисларининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ҳамкор ташкилот раҳбарлари ва масъул ходимларни жалб қилган ҳолда 3 маротаба ўқув семинари ташкил этилди.



2024 йилнинг 9 ойи мобайнида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлимига 161 нафар фуқаронинг мурожаатлари келиб тушган бўлиб, уларга ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда сайёр қабуллар орқали муносиб ечим топилди. Аҳоли вакилларига турли йўналишларда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Маҳаллаларда ишлаш учун қулай шароит яратиш мақсадида идоралар зарур мебель жамланмалари ва компьютер техникаси билан босқичма-босқич таъминланяпти. Ҳар бир маҳаллада фаол нуроний, зиёлилар ва жамоатчилик вакиллари рўйхати шакллантирилган бўлиб, улар кўча, мактаб ва хонадонларга бириктирилмоқда.

“Оила-маҳалла-мактаб” тамойили асосида ўқув муассасаларида “маҳалла еттилиги” учрашув ҳамда йиғилишлар ўтказиб келмоқда. Суҳбат жараёнида ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар муҳокама қилиниб, ечим топиляпти.

Чет давлатга кетган ёшлар билан ишлаш ва уларни юртимизга қайтариш мақсадида ҳафтанинг чоршанба кунлари улар билан онлайн суҳбат ташкил этиляпти. Тадбир натижаси ўлароқ, оиласи бағрига қайтиш истагини билдирганлар сони тобора ортиб бормоқда.

Меҳнат қилаётган инсон борки, унинг натижасини кутиб яшайди. Деҳқон баҳорда ерга қадаган кўчатларидан кузда мўл ҳосил олиш учун тер тўкиб тиришади. Боғбон ҳар йили бор меҳрини бериб парваришлаган дарахтларидан кутилганидек мева йиғиб олса, шод бўлади. Бизнинг ишимизда эса фуқароларнинг розилиги, кўтаринки кайфияти энг муҳим ютуқ демак.

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон фармонига мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳузурига ўтаётганлиги, шунингдек, Олий Мажлис палаталари ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси бирлашаётганлиги маълум қилинади.

Мурожаат учун телефон: (97) 775 50 51

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Имтиёзли иш нима?

Имтиёзли иш, бу — махсус шартларда ҳисобга олинадиган ва эрта пенсия ёки бошқа ижтимоий имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқини берадиган стаж тури.

Мисол учун, бу — II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ёки 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор бола, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қариялар каби ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахсларга қараб турганлар учун имтиёзларни ўз ичига олади.

Бундай маълумотномани ким олиши мумкин?

Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга мунтазам қараган шахслар учун бериладиган далолатнома, ногиронлиги бўлган шахс ёки 80 ёшдан ошган кекса шахсга қараган ва буни мунтазам равишда амалга оширган шахсларга берилади. Кўпинча бундай далолатнома иш стажини тасдиқлаш учун керак бўлади, шу тариқа у имтиёзли стаж сифатида ҳисобланади.

Маълумотномани қандай олиш мумкин?

Маълумотномани олиш учун қуйидаги ишларни бажариш керак:

- *ижтимоий ҳимоя органига (масалан, маҳалла ёки ҳудудингиздаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази) мурожаат қилиш керак;*
- *ўзгалар парваришига муҳтож шахсга ҳақиқатдан ҳам қараганингизни тасдиқлаш. Буни кекса шахснинг розилиги ва бошқа гувоҳларнинг (маҳалла раиси ва ижтимоий ходим) кўрсатмалари орқали амалга ошириш мумкин.*

БИЛАРМИДИНГИЗ...

ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК ОДАМЗОТГА ХОС АМАЛ ЭМАС!

Сўнгги йилларда болаларга нисбатан содир этилаётган зўравонликлар сони ошиб бормоқда.



Болаларга нисбатан жисмоний, психологик ва жинсий зўравонликнинг оқибатлари туфайли келиб чиқадиган глобал иқтисодий таъсирлар ва харажатлар 7 триллион долларгача етиши мумкин. Бу улкан маблағнинг кўп қисми зўравонликнинг олдини олишга сарфланиши мумкин бўлган сармоядир.

Бутун дунё бўйлаб тахминан 15 миллион 15-19 ёшли ўсмир қизлар ўз ҳаёти давомида мажбурий жинсий алоқа ёки бошқа мажбурий жинсий ҳаракатларни бошдан кечирган. Зўравонликка дуч келган ўсмир қизларнинг фақат 1 фоизи мутахассислардан ёрдам сўраган.

Бутун дунёда беш ёшгача бўлган болаларнинг ҳар тўртинчиси — 177 миллион оилада турмуш ўртоғининг зўравонлигига дуч келган она билан яшайди.

Зўравон жазо турлари орасида тахминан 60 фоиз бола психологик агрессияга дуч келган бўлса, 29 фоизи жисмоний жазони бошдан кечирган ва 4,2 фоизи оғир жисмоний жазони кўрган. 64 фоиз ўғил болалар жисмоний жазога дуч келган бўлса, бу кўрсаткич қиз болалар орасида 60 фоизни ташкил қилади.

Қишлоқ жойларида болалар шаҳарларга қараганда кўпроқ зўравон жазога дуч келади, қишлоқларда бу кўрсаткич 65 фоизни, шаҳарларда тахминан 59 фоизни ташкил қилади.



БОТИР АҲМЕДОВ WBA камари учун элиминатор мақомидаги жангда америкалик Оскар Дуарте билан куч синашади.



ММА: ёшлар ва катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 30 нафар спортчимиз ярим финалда жанг қилади.



Хитойда 20 ёшлилар ўртасида бўлиб ўтадиган ОСИЁ КУБОГИда терма жамоамиз Эрон, Индонезия ва Яманга қарши баҳс олиб боради.

МАНЗАРА

Туманда қариндошлар никоҳи ва эрта оила қурганлар йўқ

Маҳалла халқ билан давлат ўртасида “кўприк” вазифасини амалга оширувчи муҳим бўғин сифатида фаолият олиб бормоқда. Энди одамлар муаммоларига ечим топиш учун ташкилотма-ташкилот юриши шарт эмас. Барчаси ҳудуднинг ўзида самарали бартараф этилмоқда. Айниқса, хонадонма-хонадон юриш натижасида аҳоли мурожаатлари янада тезроқ ҳал қилинаётгани қувонарли ҳолат.



Азимжон ТУРҒУНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Яшнобод тумани бўлими бошлиғи.

Туманимизда 67 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, барчасида ҳамкор ташкилот ва секторлар билан самарали ишлаш тизими жорий этилган. Маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича “омбор китоби” юритилмоқда.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали 27 минг 938 нафар фуқаро бандлиги таъминланди. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида 13 минг 767 нафар киши доимий ва мавсумий ишга жойлаштирилди. 201 нафар шахс жамоат ишларига жалб қилинди. Ўзини ўзи банд қилганлар 12 минг 456 нафарни ташкил этмоқда.

Президентнинг Яккасарой тумани “Дилбулоқ” маҳалласига ташрифи давомида берилган топшириқлари асосида маҳаллаларда тижорат банклари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. “Омбор китоби”га киритилган ишсизларнинг бандлигини таъминлаш учун субсидия ҳамда кредит асосида керакли маблағлар ажратилмоқда. Шу билан бирга, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш,





Оилалар мустаҳкамлигини таъминлашни зиммамиздаги энг муҳим вазифа, деб биламиз.

улардаги боқимандалик кайфиятини бартараф қилиш асосий мақсад қилиб олинган. Қолаверса, ҳеч қандай касб-ҳунарга эга бўлмаган аҳоли вакилларини қизиққан йўналиши бўйича таҳсил олиши учун барча шароитлар етарли.

Жамият равнақ топиши, маҳаллалар ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этишида хотин-қизларнинг иштирокини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳудудларда мазкур йўналиш бўйича кўплаб амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, “Аёллар дафтари”га киритилган 3 минг 89 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд 5 нафар хотин-қиздан 4 нафари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Боқувчиси бўлмаган 995 нафар хотин-қизга моддий ёрдам ажратилди.

Оилаларни камбағалликдан чиқариш мақсадида тумандаги ташкилотлар билан ҳамкорликда “Янгиқўрғон” маҳалласида яшовчи Шаҳноза Рихсиеванинг хонадони тўлиқ таъмирлаб берилди. “Беҳизор” маҳалласида истиқомат қилувчи “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиси Зулфия Гайсина уйининг ҳудди янгидек ҳолатга келтирилганидан миннатдор.

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлашни зиммамиздаги энг муҳим вазифа, деб биламиз. Бу ишни никоҳдан ўтиш учун ариза бераётган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларида ўқитишдан бошлаяпмиз. Жорий йилда 30 ёшгача бўлган 156 та оила вакиллари катта ҳаётий билим ва малакага эга бўлди. Мазкур йўналишдаги ишларни бундан-да юқори босқичларга олиб чиқишни режалаштирганмиз.

Туманимиздаги бирорта маҳаллада яқин қариндошлар ўртасида никоҳлар қайд этилмаган ва эрта оила қурганлар йўқ. Таҳлилларга эътибор берадиган бўлсак, жорий йилнинг шу даврига қадар 391 та оилавий ажралиш қайд этилган. Бу кўрсаткич 2023 йилнинг шу даврида 467 тани ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг ҳисобот даврига нисбатан камайган.

Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишларимиз анча жадаллашиб қолган. Жумладан, эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, маҳаллаларда ушбу тоифа фуқароларни аниқлаш ҳамда уларни оғир вазиятдан чиқариш бўйича режалар ишлаб чиқилган. Кам таъминланган оиланинг 23 нафар меҳнатга лаёқатли вакиллари ишли қилинди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни аниқлаш, уларни таълим, спорт ва маданий тадбирларга жалб қилиш орқали ижтимоийлашувини таъминлаш — доимий эътибор марказимизда. Ушбу тоифадаги шахсларга ижтимоий тўловларни амалга оширишда кўмаклашиш, протез-ортопедия воситалари билан таъминлаш, реабилитация қилиш каби бир қатор хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида бугун ҳар биримиз астойдил меҳнат ва ҳаракатдамиз. Натижа ва самарадорлик йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни фуқароларнинг турмуш шароити яхшиланиб бораётганидан яққол кўриш мумкин.

САЛОМАТЛИК

БОЛА ТЕЗ-ТЕЗ ШАМОЛЛАСА...



Инсон танаси турли хасталикларга қарши самарали курашиши учун унинг иммунитети мустаҳкам бўлиши лозим. Ушбу ҳимоя тизими инфекцион касаллик қўзғатувчилари (бактерия, вирус, риккетсия), турли токсинлар, мутацияга учраган онкологик ҳужайралар, турли паразитларга (аскарида, эхинококкоз) қарши курашади.

Ўгўдакларда она қорнидаёқ шаклланади. Бир ёшгача бўлган болаларда иммунитет она сути орқали ўтади.

Ушбу табиий озуқа таркибида қатор тирик ингредиентлар, фойдали бактериялар, фермент ва гармонлар бўлиб, улар чақалоқ танасининг турли инфекцияларга қарши курашувчанлигини оширади. У билан озиқланган гўдак шамоллаш, грипп, отит ва юқори нафас йўллари инфекциялари ҳамда стоматит каби хасталиклардан камроқ азият чекади.

Шунингдек, туғилгандан сўнг бола организмида турли инфекцияларга қарши иммунитет профилактик эмланиш орқали ҳосил қилинади.

3 ёшгача гўдаклар йилига 4 мартадан кўп, 3 ёшдан юқори болалар эса йилига 6 мартадан ортиқ респиратор касалликлар, яъни ЎРВИ, грипп, бронхит билан хасталанса, улар тез-тез шамолловчи болалар гуруҳига киради.

Бундай кичкинтойлар доимий равишда шифокор назоратида бўлиши ва мутахассис тавсияси асосида керакли муолажаларни олиши зарур.

Динора ДЎСТМУҲАММЕДОВА, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим бошлиғи.

НУҚТАИ НАЗАР

Ҳар бир хато, бу – ... илмсизликдан!

Оиланинг саранжом-саришталиги, фарзандларнинг таълим-тарбияси бевосита аёлнинг уқуви ва илму маърифатига боғлиқ.

Нилуфар ЮНУСОВА, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси.

Аввалари “Қиз бола ўқиб олим бўлармиди”, деган нотўғри тушунча билан яшаганларнинг кўпчилиги эндиликда олий маълумот эгаллашнинг аҳамияти ҳақидаги фикрини ўзгартирган. Зеро, турмушнинг турли синовларини енгиб ўтиш, атрофдагилар билан чиройли муомалада бўлиш, инсонлар қадр-қимматини англаб етиш учун ҳам билим олиш ниҳоятда муҳим.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда республикамиздаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 1 миллион 312 минг нафар талабанинг 662 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Магистратурада ўқиётган 24 минг талабанинг 60 фоизи илмга чанқоқ опа-сингилларимиздир.

Ҳақиқатан, юртимизда хотин-қизлар таълими бўйича тарихда мисли кўрилмаган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда яратиб берилаётган шарт-шароит, имкониятлар ва имтиёзлар қанчадан-қанча иқтидор эгаларини кашф этаётгани жуда қувонарли, албатта.

Қизларни эрта турмушга бериш, эрта туғуруқларнинг олдини олиш, қариндошлар ўртасидаги никоҳларни бартараф этиш ва уларга қарши



Магистратурада ўқиётган 24 минг талабанинг 60 фоизи илмга чанқоқ опа-сингилларимиздир.

курашиш борасида, албатта, опа-сингилларимизни таълимга жалб қилиш энг самарали восита ҳисобланади. Шу маънода хотин-қизлар учун имтиёзли таълим кредити берилиши, махсус квоталар ажратилиши, магистратурада ўқийдиганларнинг шартнома тўловлари тўлиқ давлат бюджетидан қоплаб берилишининг ўзиёқ бу борада барча эшикларнинг очиб берилганидан далолатдир.

Ҳар йили Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тавсияномаси асосида эҳтиёжманд оилалардаги қизларга 2 мингта, яъни умумий квотанинг 4 фоизи миқдорида грант ажратиб келинмоқда. Ушбу имтиёз орқали шу пайтгача 8 минг 653 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2022-2024 йилларда мутахассислиги бўйича камида 5 йил иш стажига эга бўлган 1 минг 256 нафар хотин-қиз имтиёзли тавсиянома асосида талаба мақомига эришди.

Давлат олий таълим муассасасининг бакалавриат таълим йўналишига қабул қилинган эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган 150 нафар жами 2 минг 100 нафар эҳтиёжманд талаба хотин-қизларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳисобидан ҳар йили маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтариш шартисиз шартнома пули тўлаб бериляпти. 2021-2024 йилларда 6 минг 186 нафар хотин-қиз мазкур имкониятдан унумли фойдаланди.

Сўнгги етти йилда 5 минг 247 нафар аёл фан доктори ва ўз соҳаси бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олганини яратиб берилаётган шароитлар натижаси, дейиш мумкин. Биргина 2023 йилнинг ўзида 147 нафар хотин-қиз фан доктори, 1 минг 238 нафари фалсафа доктори илмий даражасига эришгани барчамизни мамнун этади.

Ҳозирги кунда илм-фан соҳасида жами 5 мингга яқин олима аёл фаолият кўрсатмоқда. Олийгоҳларда 14 мингдан зиёд опа-сингилларимиз педагогика ва илмий тадқиқот йўналишида иш олиб боряпти.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир хатонинг илмсизликдан эканини англаш вақти келди. 18 ёшли қизини ўқишга эмас, турмушга беришга шошаётган ҳар бир ота-она чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрса, яхши бўларди. Давлат яратиб бераётган имкониятлардан унумли фойдаланиш ўз қўлимизда!

БИЛАСИЗМИ?

КИМЛАРГА ИШ ВАҚТИДА ҚЎШИМЧА ТАНАФФУС БЕРИЛАДИ?

2 ёшга тўлмаган боланинг ота-онасидан бирига (васийсига) болани овқатлантириш учун (ўзига берилган дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари) камида ҳар 3 соатда бир марта ҳар бири 30 минутдан кам бўлмаган танаффус берилади.

2 ёшга тўлмаган икки ва ундан кўп болалиларга танаффуснинг муддати камида 1 соат қилиб белгиланади.

Мазкур танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача иш ҳақи бўйича маош тўланади.

Болали аёлнинг хоҳишига кўра, танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг бошига ёки охирига кўчирилиб, иш куни шунга яраша қисқартирилиши мумкин.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 640 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1120

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.